

Мукимий (тахаллуси; асл исм-шарифи Мухаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўгли) (1850 — Кўкон — 1903.25.5) — шоир ва мутафаккир. Ўзбек демократик адабиёти асосчиларидан. Отаси тошкентлик, онаси Ойшабиби хўжандлик бўлиб, Кўконда яшаганлар.

Мукимий бошлангич маълумотни махалласидаги мактабда олган. Онаси Мухаммад Аминхўжада шеъриятга хавас уйготган. Мукимий Кўкондаги Нодира бино килдириган «Моҳлар ойим» мадрасасида, сўнг Бухоро мадрасаларидан бирида ўқиган (1864—65; 1875—76). 1876 йилда Кўконга кайтгач, ер курилиши махкамасида мирзалик килган. 70-йиллар охирида Кўконга кайтган ва ижод билан шугулланган. Отаси вафотидан сўнг моддий ахволи оғирлашгач, «Хазрат» мадрасасининг кичик бир хужрасига кўчиб ўтган (1885), бутун умри кашшокликда кечган.

Бир неча бор Тошкентга саёхат килган (1887—88, 1892), Тошкентдаги янгиликлар билан танишган. Тошкент маданий ва адабий хаётини чукур ўрганган. Алмай, Нодим каби илгор руҳдаги ижодкорлар билан алока боғлаб, ижодий хамкорлик килган. Мукимий яшаб ижод этган давр адабий хаёти мураккаб эди. Бундай мухит Мукимий ижодига кучли таъсир кўрсатди. Ижодининг илк даврида кисман шаклбозлик унсурлари, санъатпардозлик майлларига берилиш хам учрайди. Лекин тезда бу хил анъаналардан воз кечиб, жамиятдаги иллатларга, эскилиқ ақидаларига танкидий назар билан каради. Навоий, Жомий, Низомий ва Фузулийдан ўрганди, улар газалларига мухаммаслар боғлади. Жомийни ўзига устоз билди. Ўзбек, форс мумтоз шоирлари анъаналарини давом эттириди. Ўзбек адабиётида демократик йўналишнинг вужудга келиши ва шаклланиши Мукимий номи билан боғлик. У бошлиқ Фуркат, Завкий, Аваз, Комил каби илгор фикрли шоирлар ўзбек адабиёти тарихида янги сахифа очдилар. Мукимий лирикаси чукур оптимизм билан сугорилган, хаётийлик ушбу лириканинг асосий ва етакчи хусусиятларидан. Мукимий реал мухаббатни, инсонни куйлаган. Шеърларининг туб мохиятини инсон кечинмалари, севинч ва аламлари, истак ва армонлари, курашлари ташкил этган. Уларда дўстлик, садокат, самимият, вафодорлик, сабот ва матонат улугланган ва булар оркали шоир кишиларда яхши хусусиятларни тарбиялашга интилган. Адолатли ва баҳтли замонни орзу килган, шундай кунлар келишига ишонган («Келур охир сени хам йўқлагудек бир замон яхши» ва бошка). Хасрат, шикоят, норозилик мотивлари мавжуд бўлган шеърларида хам келажакка ишонч, фаровон хаёт хакидаги орзу-идеаллари акс этган.

Мукимий дунёкараши ва интилишлари билан мухит ўртасидаги зиддият унинг ижодида танкидий йўналишни майдонга келтирган. Бу унинг хажвиётида кўпроқ акс этган. Хажвиёти мазмунан сатира ва юморга бўлинади. Сатираларида чор амалдорлари, айрим махаллий бойларнинг кирдикорлари очиб ташланган («Танобчилар» ва бошка) «Сайлов», «Дар мазаммати замона» ва бошкада ўлкага кириб келаётган капиталистик ва гайриахлоқий муносабатлар хамда уларнинг окибатлари кўрсатилган. Баъзан, ўша даврдаги хукмрон қарашларга эргашиб, Дукчи эшон хакида хам хажвий асарлар ёзган («Хажви халифаи Мингтепа»).

От, арава, лой, пашша, безгак каби мавзуларда 30 га якин хажвий асар яратган. Уларда шоир турмушнинг колок ва чиркин томонлари, ижтимоий онгдаги нуксонлар устидан кулган, мустамлакачилик азоби, харобаликни захархандалик билан тасвирлаган («Девонамен», «Кўсамен» «Хайрон килди лой», «Пашшалар», «Шикояти безак» ва бошка). Бошка бир катор хажвияларида жамият хаётидаги ўзгаришларга янгича

муносабат акс этган («Таърифи печ», «Ароба курсин», «Лой» ва бошка).

Мукимиий ўзбек адабиётига ишчилар мавзуини олиб кирди, типлар галереясини яратди («Масковчи бой таърифида», «Вокеан Виктор» ва бошка). Турли шахар ва кишлокларга килган саёхатлари таассуротлари асосида 4 кисмли «Саёхатнома» асарини ёзди. Асар енгил, ўйноки вазнда ёзилган, 4 мисрали бандлардан ташкил топган. Унда халк турмушининг огирилиги, кишлокларнинг вайроналиги реалистик тасвирланган. Шоир яхшиликни маъкуллаб, гўзалликни мадҳ этган, камчиликлар устидан кулиб, танбех берган, ёвузликни, турли иллатларни танкид килган. Мукимиининг наср ва назмдаги мактублари эпистоляр адабиёт намунаси хисобланади. 10 шеърий, 20 га якин насрый мактублари сакланган. Шеърлари кўлёзмалар, баёзлар, 20-аср бошларида литографияда нашр килинган китоблар, Тошкент ва Петербургда босилган вакти матбуот сахифаларида бизгача етиб келган.

М.ижодини ўрганиш, асарларини тўплаш ва нашр эттириш у хаёт давридаёк бошланган. Дастреб Остроумов «Девони Мукимиий» тўпламини (Т., 1907) нашр килган, сўнг 1910, 1912 йилларда «Девони Мукимиий маа хажвиёт» номи билан асарлари тўплами босилган. Кейинги даврларда Г. Гулом, Ойбек, Х. Зарифов, Х. Ёкубов, Х. Рazzоков, Г. Каримов, А. Хайитметов ва бошка Мукимиий ижодини тадқик этганлар. Шеърларидан намуналар чет тилларга таржима килинган. Кўконда уй-музейи ташкил этилган. Фаргона вилоятидаги шахарча, Тошкент кўчаларидан бири, Ўзбек давлат мусикали драма театри Мукимиий номи билан аталади. Шоир хакида Собир Абдулла «Мавлоно Мукимиий» романи ва «Мукимиий» драмасини яратган. Мукимиининг аксарият газаллари ашулага айланган.

Суннатилла Ахмедов

## ЭЙ, ЁРИ ЖОНИМ

Ошик бўлибман, эй ёри жоним,  
Васлингни излаб, йўқдур мажолим.

Бир йўкламайсан куйган кулингни,  
Кўзлари жаллод, нозик нихолим.

Рахм айла манга, эй багри каттик,  
Дийдам тўла кон, эй шўхи золим.

Лаб ташналарга айла назора,  
Кадди чу шамшод коши хилолим.

Олдинг кўнгулни бир-икки сўзлаб,  
Девона бўлдим, тўти маколим.

Хар дам куярман, ёдимга тушсанг,  
Бир кўрмагунча йўқдур мажолим.

Неча замондур, кўздин нихондур,  
Ошик Мукимиий, эй хаста холим.

## КИМ ДЕСУН

Ул тагофулпешага холи харобим ким десун?  
Хажрида мундог мени кўрган азобим, ким десун?

Кундузи бир ерда бир дам олмай орому карор,  
Лахзаэ йўқ кечалар кўзларда хобим, ким десун?

Ўз кўмочига, масалким, тортадур кул хар киши,  
Бас, куюб ишкида чеккан изтиробим, ким десун?

Куймаган бўлса бирор меҳру муҳаббат ўтига,  
Шамъдек то субҳ ўртаб табу тобим, ким десун?

Хамнишиндурлар улугларга хушомадгўйлар,  
Йўлида жононими хайру савобим ким десун?

Гар килич бошимга хам келса, дегайман ростин,  
Сўзки хак бўлса, саволимга жавобим, ким десун?

Дўстлар, сўрсанг гизосидин Мукими, эрта-кеч,  
Кон шароб исам, жигарлардур кабобим, ким десун?

## ЗУЛМ ИЛА КАХРУ ГАЗАБ

Зулм илиахру газаб изхор килмок шунчалар,  
Ошики бечорага озор килмок шунчалар.

Гул дебон севгон кишининг кўкрагига ниш уриб,  
Хаста-ю маъюс этиб, афгор килмок шунчалар.

Тўтийи ширинсухан агёrlарнинг базмида,  
Бизга келганда гапирмай, зор килмок шунчалар.

Сизга ким аиди: муҳаббат ахлини кил ихтисоб,  
Кўркутиб ўй айбига икрор килмок шунчалар.

Гарчи келса, эски тўн, биздек дуогўйи факир,  
Камбагалнинг хиркасидан ор килмок шунчалар.

Хар бало-ю, жабр келса, ёнмагай харгиз, Муким,  
Ошик ахлини урубон хор килмок шунчалар.

## ТОЛЕИМ

Оҳким, афсус, эмас хар ишда раҳбар толеим,

Вожгундур, имтихон килдимки, аксар толеим.

Юз тарафдин еткуруб гарди кудурат, занги гам,  
Айлагай оинайи табъим мукаддар толеим.

Хар неча килсам тавалло – зори килмас, илтифот,  
Рўйигардон тескари, тобора бадтар толеим.

Рўзгорим тийра, икболим забун, баҳтим каро,  
Бўлса равшан, бормукин тадбири дигар толеим?

Ногахон берсам, Мукимиј, бир мусулмонга салом,  
Дафъатан икки кулогини килур кар, толеим.

## ТАНОБЧИЛАР

Бўлди таажжуб, кизик хангомалар,  
Арз этайин эмди ёзиб номалар.

Адл кулоги-ла эшит хлими,  
Зулм килур, баски, менга золими.

Ўн ик(к)и ойда келадур бир таноб,  
Ўзгалара роҳату менга азоб.

Султон Алихўжа, Ҳакимжон – икав,  
Бири хотун, бириси бўлди куяв.

Иккаласи бўлди чунон иттифок,  
Гўё хаёл айлаки (килмай нифок).

Ош есалар, ўртада сарсон илик,  
Хўжа – чирок ёги, Ҳакимжон – пилик.

Бир-бирисига солишурлар ўрун,  
Эрта-ю кеч ўпушиб оғиз-бурун.

Саллалари бошларида ок сават,  
Кўрпача тагда хама вакт уч кават.

Бирлари мўлтонинамо, хийлагар,  
Бирларидур кунда пиҳу гавда хар.

Оғизлар мактаниб, ўн беш кариш,  
Майдасухан, эзма (чурук), занчалиш.

Кайсики кишлокка тушар отидин,  
Элни йигиб, вокиф этар зотидин.

Дерки: “Кўзунгга хали кал жўжаман,  
Махдуми аъзамлик ўзим хўжаман.

Бизга бобо хазрати Шохлиг мазор,  
Мухлисимиз мардуми ахли диёр.

Хам яна Эрхубби бўлодур таго,  
Аммамизнинг эрлари дур Нурато.

Биби Убайда бўладур холамиз,  
Гоҳ келур эрди кичик боламиз.

Хизр отамларга биродар эрур,  
Чимлиг азизлар менга додар эрур.

Гарчики мен олиму шайхи замон,  
Киркингизга эмди берай бир козон.

Манки, танобингга чикибман келиб,  
Хизматими яхши килинглар билиб.

Ўт кўюбон куйдурадургон ўзим,  
Хокимингу ўлдурадургон ўзим.

Хоҳ танобингни дучандон килай,  
Хоҳ карам бирла бошингни силай”.

Хўжа сўзини мунга бермай карор,  
Мардуми сахрои бўлур бекарор.

Дерки Хакимжони: “Аё, оксокол,  
Бизни топибсан магарамким ўсол?

Хозир этинг тўрт нафар мардикор,  
Тўгри кил, олдимга килибон катор.

Арконими еринга судраб чикай,  
Баччаталок кишлокиларни (урай).

Бир бурайин мўйилабимни чикиб,  
Торт танобини – жазоси – сикиб.

Яхшилигингни фукаро билмагай,

Холи булар кўзга бизи илмагай.

Икки танобини килай ўн таноб,  
Юртингизни кўйдуруб, айлай хароб.

Хоҳ ўлунг, хоҳ колинг, баччагар”, —  
Дебки, узангуга аёгин тирав.

Бир-бирига кишлок эли бокишиб,  
Гоҳ у ён, гоҳ бу ён чопишиб.

Жам бўлиб айлаюбон маслаҳат:  
- “Дўғмага, - дер, - бир нима бериб жўнат!”

Акча кўлида ик(к)и-уч мўйсафиид  
Дерки: - “Бу назрингизу, бизлар – мурид”,

Зулм билан эллигу юзни олур,  
Боз танобини дучандон солур.

Таги булар яхши-ю, бизлар ёмон,  
Эл тамизидин хазар эт, алъамон.

Ўзга яна гусса будурким, дейин,  
Шунчаки бир кисса булардин кейин:

Кўшти Жалолхон деган ўглин менга,  
Деди: “Рукум ўргатасиз сиз анга”.

Юклади ўглини сенга, муҳтасар,  
Бу даги ортиқча (менга дардисар)...

Сўзни, Мукимиј, керка этмак тамом,  
Маззаси колмас, узун ўлса калом.

“Саёҳатнома”лардан

## КЎКОНДАН ШОХИМАРДОНГА

Фарёдким, гардуни дун  
Айлар юрак багримни хун,  
Кўрдики, бир ахли фунун –  
Чарх анга кажрафтор экан.

Колмай шахарда токатим,  
Кишлок чикардим одатим,  
Хохи яёв, бўлсун отим,  
Гоҳ саир хам даркор экан.

“Ултарма”га килдим юруш,  
Йўлдош эди бир читфуруш,  
Етдим жадаллаб вакти туш,  
Бир дам кизик бозор экан.

Бир маърака кўрдим бутун,  
Жаъми ёпинган бошга тўн,  
Боксамки, беш юзча хотун,  
Воиз сўзин тинглор экан.

Мингбошилик кимнинг иши,  
Десам, деди бедониши,  
Бир “Кўштегирмон”лик киши,  
Хўжа Исо бадкор экан.

Магур, хасису бешу кам,  
Хар гапда юз ичгай касам,  
Такжой олур моховдан хам,  
Хожи ўзи мурдор экан.

“Дўрмонча”га кетдим ўтуб,  
Ёкамни хар соат тутуб,  
Ётдим ул окшом гам ютуб,  
Дашти карокчизор экан.

Унда бўлус Гози деди,  
Хам муфти, хам кози деди,  
Юрт барча норози, деди,  
Килгон иши озор экан.

Боз издиҳоми воизи,  
Бадкайф, очилмас кўзи.  
Юкори бошидин тизи,  
Эрмаклари кўкнор экан.

Сўрсам, дедилар: “Бўрбалик”,  
Бирмунча эчкилар арик,  
Келса киши еяр тарик,  
Шому сахар тайёр экан.

“Ок ер”дин ўтдим, бойлари –

Олий иморат жойлари,  
Мехмонсиз ўткай ойлари,  
Келса бирор ночор экан.

Аммо назарда “Рошидон”,  
Фирдавс богидин нишон,  
Ўйнаб окар оби равон,  
Сахни гулзури экан.

Маъюс бордим “Зоҳидон”,  
Бир кўча кетгунча дўкон,  
Шўх одами, ичмай пиён,  
Маст, отаси безор экан.

Сувлар сепилган сўрилар,  
Бўрланган ўчок-мўрилар,  
Табъинг мабодо чой тилар,  
Дамлашлари ишкор экан.

“Олтиарик” курсин ўшал,  
Селларда колдим бир махал,  
Бўлдим ивиб, ёмгурда шал,  
Тўн шилта, хўл эзор экан.

Мингбоиси сўфинамо,  
Тасбеху бўйнида ридо,  
Чўкуб кочар зоги ало  
Бир домули айёр экан.

Хайру соҳо важхига кар,  
Бир пулни юз ердин тугар,  
Келса гадой ногах агар,  
Бир нон чикиш душвор экан.

Кўрдим чукур “Чимён” эрур,  
Ер остида зиндан эрур.  
Душманлари меҳмон эрур,  
Боги унинг тутзор экан.

Водил макоми дилфизо  
Кўчаларидур дилкушо,  
Анхорида оби сафо,  
Себарга обишор экан.

## КЎКОНДАН ФАРГОНАГА

Чун шаҳрдин чиқдим «Кудаш»,  
Кўнгул бўлуб махзун-у гаш,  
Мажнунсифат, девонаваш,  
Серчашма-ю кам чанг экан.

«Яйфанд» агарчи хуш хаво,  
Одамлари енгилнамо,  
Бир-бирлари-ла доимо  
Бўлар-бўлмасга жанг экан.

«Нурсух» каби бир жой кам,  
Тушмай ўтиб килди алам,  
Олма, анор ўрнига хам  
Богида ток-у занг экан.

Кўп одамидин «Бешарик»,  
Богларда экмишлар тарик.  
Етим хаки — гўшти балик,  
Килмишлари найранг экан.

Чарчашни билмас юрсалар,  
Пурзўр кетмон урсалар,  
Вакти намозга келсалар,  
Масжид сорига ланг экан.

«Рафкон» ажойиб жой экан,  
Бир кўча кетган сой экан,  
Салкин супа хой-хой экан,  
Ким кўрса ханг-у манг экан.

Озодадин тўпори кўп,  
Дукчисидин аттори кўп,  
Чойхўридин кўкнори кўп,  
Бир раста нос-у банг экан.

Айвончалар мисли катак,  
Бир йўлки, одам сиккудак,  
Чит бирла бир ерда алак,  
Бозори тор-у танг экан.

Хуфтонда кирдим бир дўкон,  
Килди ашула бир жувон,  
Эшак деманг, ундин ямон,  
Хангтарда яхши ханг экан.

Кийгир кўтаргон уч йигит,

Ухлатмадилар бир минит,  
Хам бошда тонг откунча ит  
Гингшиб чикиб, ванг-ванг экан.

Айлай саёхат энди бас,  
«Конибодом» килмай хавас,  
Хар ерда ётган хор-у хас,  
Кўзга тикан якранг экан.

## КЎКОНДАН ИСФАРАГА

Афлок кажрафтор учун,  
Хар дам кўнгул афгор учун,  
Хўканд танг-у тор учун,  
Сахро чикиш даркор экан.

Бордим шахардин «Яккатут»,  
Бакколи дузди бадбурут,  
Бир танга соткай бир курут,  
Инсофи йўқ, таррор экан.

Кишлок жувони йиглишиб,  
Иссигда ўйнашгай пишиб,  
Ўтган тамошобин тушиб,  
Сешанба кун бозор экан...

Мингбоши Эшдавлат акам,  
Аммо курук савлат акам,  
Килса чиким гар бир дирам,  
Уйку кочиб, бедор экан.

«Яйфан» каби толзор кам,  
Йўқ соясида зарра гам,  
Зебо санам, коши калам  
Жононлари бисёр1 экан.

Дўгмалари хам хўб бажо,  
Волоснойи ухдабуро,  
Юрт ишларини доимо  
Хайриятин кўзлор экан.

«Нурсух» каби хам юрт йўқ,  
Богдор-у дехкон корни тўқ,  
Масжидлари хам кўп улук,  
Турфа фарах осор экан.

«Рафкон»ни бозор жойи танг,  
Муллолари чаккон, гаранг,  
Омилари хам мулларанг,  
Кўйлак кийиб, дастор экан.

Гар меваси бир туп сотар,  
Бир пулни юз ердин тугар,  
Берса гадога нон агар,  
Минг йилда хам душвор экан.

Аммо «Работи» баччагар,  
Йўк хеч одамдин асар,  
Бир подажойи гов-у хаи,  
Чун огули тайёр экан.

Ду бора юрдим даштлаб,  
Бодом конига караб,  
Мирза Умарни сўраглаб,  
Хавлисида нажржорз экан.

Бўлгай ўшал Бурхон омон,  
Яхши йигитдур бегумон,  
Хурсанд килди ногахон,  
Мингбоши Хол саркор экан.

Армонки, кўпрак юрмадим,  
Бир-икки хафта турмадим,  
«Тикка Работ»ни кўрмадим,  
Пурфайз бузруквор экан.

Маъюс чикдим «Исфара»,  
Дил хаста, мажрух-у яра,  
Иссикка куйган коп-кора,  
Олти жихат кўхсор экан.

Анхор-у сой-у чўллари,  
Ўйнаб келодур сувлари,  
Ширинки зардолулари,  
Канд-у асал бекор экан.

Шерсиз эмасдур бешалар,  
Бордур саховатпешалар,  
Килманг ёмон андешалар,  
Яхшилари хам бор экан.

Хожи Зухур хам ўрдада,

Сархавзалар, олий сада,  
Борса агар бир гамзада,  
Жонигача эсор экан.

Бойвачасидур бадбуруш,  
Тўгри сўзи аччиг-туруш,  
Сил, эски бачча, чойфуруш,  
Хофиз Умар, Каххор экан.

Бўлма халоватга касал,  
Оlamда йўк бениш асал,  
Бешак мукофоти амал,  
Дунё курулгон дор экан.

Алхамдулилло, бехатар,  
Келдим, Муким, айлаб сафар,  
Музтар колиб, кўрмай зарар,  
Хак бандасига ёр экан.